

Маънавий-маданият масканига ташриф

Жорий йилнинг 10 февраль куни ГМ йўналиши 4 босқич “Касбий таълим” йўналиши 418 гуруҳ талабалар ҳамда гуруҳ мураббийси “Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси доценти в.б. Дурдона Мустафоева бошчилигида “Адиблар ҳиёбони” га ташриф буюришди. Бу йил Абдулла Ориповнинг 80 йиллиги кенг нишонланади. Абдулла Ориповнинг кенг қамровли ижоди Президентимизнинг махсус қарорларида ўз моҳиятини ифода этади. Барча олий таълим муассасалари қатори Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари ҳам Абдулла Орипов хотираларини ёдга олиб уларни зиёрат қилишга ташриф буюрдилар.



Абдулла Орипов истеъдодли шоир бўлганидек, истеъдодли таржимон ҳамдир. Ижодкорнинг шеърий мажмуалари рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинган китоблари, мустақил Ўзбекистон мадҳиясининг муаллифи эканлиги, энг муҳими, унда шоир Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги маънавиятни қайта, замон руҳида тиклаш, янги босқичга кўтаришга интилганлиги хақида гуруҳ мураббийси Д.Мустафоева талабалар билан ҳамсуҳбат бўлди. Институтимизда А.Ориповнинг 80 йиллиги муносабати билан жуда катта тайёргарлик ишлари борилмоқда. Ҳозирда барча факультетларда бўлгани каби “Гидромелиорация” факультети жамоаси ҳамда талабалари томонидан маънавий тадбирларга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. “Адиблар ҳисобони” га қилинадиган ташрифлар талабаларни маънавий ўсиши, ижод қилиши ва шу билан бирга ижодкорларга бўлган ҳурмат-эҳтиромини оширади, ҳаётга ўзгача назар солишига туртки бўлади.

ПТ ва ЖМ кафедраси доценти Дурдона Мустафоева ахбороти

ТИҚХММИ матбуот хизмати